

Исм-насаби: Абу Амр Заббон ибн Ало ибн Аммор Абу Амр ат-Тамимий ал-Мозиний ал-Басрий. Расулуллох соллаллоху алайхи васалламнинг аждодлари бўлмиш Адноннинг авлодидан. Баъзилар «Абу Амр» у кишининг куняси эмас, исми бўлган, дейишади. У кишининг исми хакидаги кўпфикрлик Абу Амрнинг улуглиги, хайбати юксак бўлганидан ундан исми хам сўралмагани билан изоҳланади. Бану Мозин кабиласига мансуб бўлгани учун у киши «ал-Мозиний» хам дейилган.

Таваллуди ва вафоти: Имом Абу Амр 68/687-688 йили тугилган. Кўпчилик уламоларнинг фикрига кўра, 154/771 йили вафот этган. Абу Амр ибн Ало раҳимахуллох Маккада таваллуд топди, Басрада униб ўсди ва Куфада вафот этди.

Манокиблари: Имом Абу Амр араб тили ва Куръони Каримга билимдон, содиклик, ишонч, зохидлик, омонатдорлик ва диндорлик сифатларини ўзида мужассамлаштирган етук зот эди. Арабларнинг энг олийкадр кишиси, хурматлиси эди. Хатто шоирлар, жумладан, машхур араб шоири Фароздак хам у кишини мактаб шеърлар айтган.

Имом Асмаъий айтади: «Абу Амрга хар куни икки фулсга битта кўза ва райхон сотиб олинар эди. Кун бўйи ўша кўзадаги ичимликни ичар, кечки пайт кўзани хадя килиб юборар ва жорияга: «Райхонни куритиб, туйиб, ишкорларга кўшиб кўй», дер эди. Абу Амр менга: «Агар кўксимдаги илмларни сенинг кўксингга бўшатиб бериш имкони бўлганида эди, буни килган бўлардим. Куръон илмларидан ёдлаганларимни китобатга туширсам, уни Аъмаш хам кўтара олмас эди», деган эди».

Абу Убайда айтади: «Абу Амрнинг дафтарлари бир уй шифтгача тўла эди. Кейин ибодатга берилиб кетди ва уларни ёкиб юборди. Тўла ибодатга ажралди ва хар уч кечада хатм килишни ўзига вазифа килиб олди». Асмаъий айтади: «Абу Амрнинг гапирётганини кўрсанг, бирорта нарсани яхши билмайди, деб ўйлар эдинг. У хато нутк килмас ва жуда енгил гапирар эди».

Иброхим Харбий ва бошқалар: «У ахли суннат эди», дейишган. Асмаъий айтади: «Абу Амрнинг: «Ўзимдан олдингилар орасида мендан кўра олимрок кишини кўрмадим», деганини эшитдим». Асмаъий яна: «Мен Абу Амрдан кейин ундан кўра олимрок кишини кўрмадим», дейди. Юнус ибн Хабиб айтади: «Агар бирор кишининг сўзи хар бир нарсада олиниши лозим бўлса, Абу Амрнинг сўзи олиниши керак». Асмаъий: «Абу Амрдан мингта масала хакида сўрадим, у мингта хужжат билан жавоб берди», дейди. Абу Мухаммад Яхё ал-Язидий шундай хикоя килади: «Бир куни Абу Амрдан бизларга намоз ўкиб беришини сўрадим. У киши одамларга имомлик килишни ёктирмас эди. Мехробга ўтди ва озгина турди-да, хушидан кетди. Хушига келганидан кейин бу хакда сўрлади. Шунда у киши: «Тўгри туринг! Аллох сизларга раҳм килсин!» деган чоғимда хаёлимда ичимдан бир воиз: «Сен ўзинг Аллохнинг қошида кўз юмиб-очгунча тўгри турганмисан», дея хитоб килди», деди».

Саид ибн Авс айтади: «Абу Амрга: «Кироат килиб олганингиз ва ўкиганингизнинг хар бирини эшитганмисиз?» дедим. Шунда у киши: «Агар эшитмаганимда, ўкимаган бўлардим, чунки кироат суннатдир», деди.

Ибн Шанабуз айтади: «Асхобларимиздан бир мухаддис бундай деб айтиб берди: «Туш кўрдим: гўё Киёмат коим бўлган. Карасам, бир киши юкорида тик турибди. Ўнг тарафида

яна бир киши бор. «Бу юкоридагилар ким?» деб сўрадим. Шунда менга: «Булар Абу Амр ва Хамза ибн Хабиб аз-Зайёт», дейилди. Корилар эса улардан кейин туришар эди». Абдулворис ибн Саид Таннурий шундай хикоя килади: «Бир йили Абу Амр билан бирга хажга бордим. У менинг хамрохим эди. Бир неча манзиллардан ўтдик. Кейин у менга: «Тур мен билан», деди. Кейин мени бир тепаликка ўтиргизди-да: «Ўзим келмагунимча жилма», деди. Бу ер сувсиз, куп-курук ер эди. Бир муддат туриб колдим. Кейин ташвишланиб, туриб, изидан бордим. Бориб карсам, у бир сувсиз жойда экан. Бир булок чикиб турибди, у эса унда тахорат олаётган экан. Менга каради-да: «Абдулворис, мен учун буни яшир. Кўрганингни бирор кишига айта кўрма», деди. «Хўб бўлади, эй кориларнинг саййиди», дедим. Аллохга касамки, буни у киши вафот этгунича бирор кишига айтмадим».

Таййиб ибн Исмоил айтади: «Абул-Атохийянинг Язидийдан хоссатан Абу Амрдан олинган хабарлардан минг жилдга якин нарса ёзиб олганини кўрдим. Бу ўн минг варақ бўлади». Ахфаш шундай дейди: «Хасан Басрий Абу Амрнинг олдидан ўтиб колди. Халкаси гавжум, одамлар кимирламай ўтиришарди. «Бу ким?» – деди у. «Абу Амр», дейишди. Шунда: «Ла илаха иллаллох! Уламолар арбоб бўлиб кетай дейишибди. Илм билан кувватланмаган хар кандай азизлик хорликка юз тутажак», деди Хасан Басрий». Асмаъий айтади: «Абу Амр: «Хасан Басрий тириклигидаёқ мен бош – пешво бўлиб бўлган эдим», деган».

Абу Мухаммад Язидий: «Абу Амр кироатларни жуда яхши билар эди. Уларнинг хар биридан энг гўзалини, араблар ихтиёр килганини, Набий соллаллоху алайхи васалламнинг лугатларидан ўзига етиб келганини, Аллох азза ва жалланинг китобида тасдигини топганини ўқир эди», деган.

Асмаъий айтади: «Абу Амр: «Агар аввалда ўкилганидек ўкишдан бошқаси ножоиз бўлмаганида, фалон харфни ундок, фалон харфни бундок ўқир эдим», деди ва бир нечта харфларни зикр килди». Ибн Мужохид айтади: «Асмаъийга: «Кандай ўқийсан?» дедим. У: «Абу Амрнинг кироатида», деди».

Абу Амрнинг ўзи шундай дейди: «Саид ибн Жубайр кироатимни эшитиб: «Мана шу кироатингни махкам тут», деган».

Абу Бакр ибн Мужохид бундай дейди: «Бизга Вахб ибн Жарирдан шундай деганини айтиб беришган: «Шуъба менга: «Абу Амрнинг кироатини махкам тут, чунки у одамлар учун санадга айланади», деди». Хижрий саккизинчи-тўккизинчи асрларда яшаб ижод килган Имом Жазарий айтади: «Шуъбанинг сўзи тўгри чикди. Бугунгача Шом, Хижоз, Яман ва Миср ўлкалардаги кироат Абу Амрнинг кироатидир. Абу Амрнинг харфидан бошқасини талкин килаётган бирор кишини топмайсан. Хусусан фаршда шундай килишади, аммо баъзан усулда хато килишади». Имом Жазарий яна шундай дейди: «Шом худуди ахолиси беш юзинчи йиларгача Ибн Омирнинг кироатида ўқир эди. Кейин бу киротани тарк этишди. Чунки Ирокдан бир киши келиб, Умавий Жомесида кишиларга Абу Амрнинг кироатини талкин кила бошлагач, унинг атрофига кўп халк тўпланиб, бу кироат ундан таркалиб машхур бўлиб кетди. У бир неча йил шундай истикомат килди. Менга етган хабар шундай. Бўлмаса, Шом ахлининг Ибн Омирнинг кироатини кўйиб, Абу Амрнинг кироатини ушлашига нима сабаб бўлган, билмайман. Мен буни Шуъбанинг кароматларидан бири деб биламан».

Ибн Мужохид Абу Амр хакида шундай дейди: «Ўз замонида энг пешкадам, кироат ва унинг турларини пухта биладиган, тилшуносликда етакчи олим, араб тилида кишиларнинг имоми эди. Лугатга олимлиги, араб тилига мохирлигига карамай асарларни махкам тутар эди. Ихтиёр килганларининг биротасида ўзидан олдинги имомлардан

келган асарларга хилоф килган эмас, илимда камтарин эди». Ибн Мужохид яна шундай дейди: «Абу Амр ихтиёри гўзал, кироати енгил, бетакаллуф, йўлини топиши билан тахфиф килишни афзал санар эди».

Суфён ибн Уяйна айтади: «Тушимда Расулуллох соллаллоху алайхи васалламни кўрдим. «Эй Аллохнинг Расули, кироатлар турлича бўлиб кетди, қайси кироат билан ўқишимни буюрасиз?» дедим. У Зот «Абу Амр ибн Алонинг кироати билан», дедилар».

Имом Ахмад ибн Ханбал: «Абу Амрнинг кироати менга кироатларнинг энг севимлисидир».

Абу Амр ибн Ало вафот этганларида Юнус ибн Хабиб унинг мотамзада оиласига келиб, шундай дея таъзия изхор килган эди: «Охир замонгача ўхшаши келмайдиган зотни йўкотганимиздан сизларга ҳам, ўзимизга ҳам таъзия изхор киламан. Аллохга касамки, агар Абу Амрнинг илми ва зухди юз кишига таксим килиб берилса, юзтаси ҳам олим ва зохид инсонларга айланар эди. Аллохга касамки, агар Расулуллох соллаллоху алайхи васаллам Абу Амрни кўрганларида, унинг холати у Зотни хурсанд килган бўларди».

Абу Амрнинг сўзлари:

«Яхшилиқни ўз ахлидан ол, ёмонлиқни ўз ахлига кўй».

«Биз ўтганларга нисбатан баланд хурмо тагидаги ўт-ўланлар кабимиз, холос».

«Ким ўзидан юкоридагининг фазлини эътироф этса, ўзидан куйидагилар унинг фазлини эътироф этишади. Ким инкор килса, инкор килинади».

«Мен бу илми хатна килинмай туриб ўрганганман, хозир саксон тўртга кирдим».

Тарих китобларида келишича, Абу Амрдан: «Қачон кишига илм талаб килиш яхши бўлади?» деб сўралди. У: «Модомики, хаёт унга яхши бўлар экан», деди.

Абу Амрнинг узугида куйидаги маънодаги байт накш килинган эди: «Энг катта ташвиши дунё хаёти бўлган киши унинг ёлгончи арконини ушлаб олгандир».

Язидий ва Мухаммад ибн Наср шундай хикоя килади: «Амр ибн Убайд ваъид – кўркитув хабарлари хақида бир йил гапирди. Шунда Абу Амр унга: «Агар сен энг кичик нарсадаги ваъидни энг катта нарсадаги каби килиб оладиган бўлсанг, хато тушунадиган одам экансан. Билиб кўй, кичик ва катта гунохдан қайтарув баробар бўлмайди. Аллох таоло халойик устидаги хужжати комил бўлиши ва Ўз амридан огмаслик учунгина катта ва кичик гунохлардан қайтарган. Ваъидининг оркасида афву мархамати ҳам бор», – деди». Асмаъий айтади: «Абу Амр менга шундай деди:

«Хорлаган бўлсанг, шарафлидан хазир бўл. Хурматлаган бўлсанг, пасткашдан; кийинчиликка солган бўлсанг, оқилдан; хазиллашадиган бўлсанг, ахмоқдан; бирга бўлган бўлсанг, сергунохдан хазир бўл. Сўрамаганга жавоб беришинг, жавоб бермайдигандан сўрашинг, сенга кулок солмайдиганга гапиришинг одобдан эмас».

Устозлари: Етти кироат имомлари ичида Имом Абу Амрчалик устози кўп имом йўк.

Маккаи Мукаррама, Мадинаи Мунаввара, Кўфа ва Басра шаҳарларида кўплаб устозлардан Куръон таълимини олган. Анас ибн Молик розияллоху анху ва бошқалардан хадис тинглаган. Имом Абу Амр кироат илмини жуда кўп шайхлардан олган. Жумладан, Маккада Саид ибн Жубайр, Мужохид, Ато, Икрима ибн Холид, Ибн Касирдан, Мадинада Абу Жаъфар, Язид ибн Румон, Шайба ибн Нисохдан, Басрада Хасан ибн Абул-Хасан ал-Басрий, Яхё ибн Яъмур, Наср ибн Осим ва бошқалардан арз (ўқиб бериш) тарикаси билан олган. Шунгдек, Хумайд ибн Кайс ал-Аъраж, Осим ибн Абуннажуд, Абу Исхок ал-Хазрабий, Ибн Аббос розияллоху анхунинг мавлолари Икрима ва бошқаларнинг кўлида ҳам ўқиган.

Шогирдлари: Имом Абу Амр раҳимахуллоҳдан у кишининг кироатларини ривоят қилган қорилар жуда ҳам кўп. Жумладан, Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Лайсий, Аҳмад ибн Мусо ал-Луълуъий, Исҳоқ ибн Юсуф ал-Азрак, Хусайн ибн Алий ал-Жуъфий, Абдуллоҳ ибн Муборак, Абдулмалик ибн Қариб ал-Асмаъий, Хорижа ибн Мусъаб, Холид ибн Жабала, Довуд ибн Язид, Абдуллоҳ ибн Муоз, Ийсо ибн Умар ал-Ҳамадоний, Муоз ибн Муслим ан-Нахвий, Юнус ибн Ҳабиб. Имом Абу Амрдан Муҳаммад ибн Ҳасан ибн Абу Сора ва Сибавай харфларни ривоят қилган.

Санади: Абу Амр ибн Алонинг санадлари жуда ҳам олий ва кўпдир. Жумладан, Абу Амр раҳимахуллоҳ Ибн Қасир, Мужоҳид, Саъид ибн Жубайрда, улар Ибн Аббосда, у киши Убай ибн Каъбда ўқиган. Шунингдек, Абу Амр Ҳасан ибн Абул-Ҳасан ал-Басрийда, у Хаттон ибн Абдуллоҳда, у Абу Мусо ал-Ашъарий ҳамда Абул-Олияда, Абул-Олия Умар ибн Хаттоб, Убай ибн Каъб ва Зайд ибн Собит розияллоху анхумда ўқишган. Убай ибн Каъб, Абу Мусо ал-Ашъарий, Умар ибн Хаттоб, Зайд ибн Собит розияллоху анхум эса кироатни Расулulloх соллаллоху алайхи васалламдан олишган.

Машхур ровийлари:

- 1) Дурий: Ҳафс ибн Умар ибн Абдулазиз;
- 2) Сусий: Солих ибн Зиёд ибн Абдуллоҳ.

## Имом Дурий

Исм ва насаби: Абу Умар Ҳафс ибн Умар ибн Абдулазиз ибн Саҳбон ибн Адий ибн Саҳбон ад-Дурий ал-Аздий ал-Бағдодий.

Тавлуди: Имом Дурий халифа Мансурнинг даврида, 150/767 йилда Бағдоднинг шарқий тарафида жойлашган Дур маҳалласида таваллуд топган ва халифа Мутаваккилнинг даврида 246/860 санада вафот этган.

Фазилатлари: Имом Дурий раҳимахуллоҳ ўз замонасида кироат имоми, етук устоз, мустаҳкам илмга эга, ишончли, собит, улуг зот бўлган. Бағдоднинг шимолида Дажла дарёсининг ёқасида жойлашган Сомарро шаҳрида истикомат қилган.

Ахвзий айтади: «Имом Дурий кироатларни ўрганиш мақсадида сафарлар қилди. Етти харфнинг барчасини – мутаботир, саҳих ва шозларни ҳам ўқиди. Бу маънода жуда кўп илмларни тинглади. Кироат илмида китоб ёзди. У барча ривоятларида ишончлидир. У узок умр кўрди. Умрининг охирида кўзи ожиз бўлиб қолди. У диёнатли ва хайриятли киши эди. Унинг санади олийлиги ва илми кенглиги туфайли одамлар барча минтакалардан атайлаб унинг олдига келадиган бўлди».

Сафадий шундай дейди: «Унинг умри узун бўлди. Санадининг олийлиги ва илмининг кенглиги туфайли барча юртлардан унинг хузурига атайлаб келинадиган бўлди, моҳир қорилар унинг атрофига тўпланишди».

Имом Абу Довуд: «Аҳмад ибн Ханбалнинг Абу Амр ад-Дурийдан ҳадис ёзиб олаётганини кўрганман», дейди. Муфассир Аҳмад ибн Фарах айтади: «Имом Дурийдан «Қуръон ҳақида нима дейсан?» деб сўрадим. У «Аллоҳнинг Қаломи, маҳлук эмас», деди».

Имом Заҳабий имом Дурий ҳақида шундай дейди: «Қиротда у мустаҳкам илм соҳибидир, имомдир. Шунингдек, қорилардан бир гуруҳи кироатда мустаҳкам илмга эга бўлишди,

аммо хадисда ундай бўлишмайди. Чунки улар харфларнинг машаккати кўтарган, уларни тадқиқ қилишган, хадис илмида эса бундай қилишмаган. Худди хадис хофизларидан бир тоифаси хадисни пухта эгаллашаган-у, кироатни яхши ўзлаштирмагани каби. Бирор сохада кўзга кўринарли даражага эришиб, бошкаси билан унчалик шугулланмаган хар ким ҳам шундай бўлади».

Имом Дурий кироатни жуда кўп имомлардан олган. Имом Нофеъ, Ибн Касир, Хамза ва бошка машхур имомларнинг кироатларини ҳам ривоят қилган. Имом Захабий Абу Амр Дурийнинг шундай деганини нақл қилади: «Исмоил ибн Жаъфарда Мадина ахли кироатини ўқидим. Имом Нофеънинг ҳаётлик чоғини топганман. Агар ўн дирхам пулим бўлганида, унинг олдига борган бўлардим».

Имом Дурий кироат соҳасида илк китоб тасниф қилган киши бўлди. Асарларидан қуйидагилар зикр қилинади: «Ахкам ал-Қуръан вас-сунан», «Ма иттафакот алфазуху ва маъанийхи минал-Қуръан», «Фазоилул-Қуръан», «Ажзаул-Қуръан».

Усозлари: Имом Дурий жуда кўп усозлардан таълим олди. Имом Нофеънинг шогирди Исмоил ибн Жаъфар, Имом Хамзанинг шогирди Сулайм ва Мухаммад ибн Саъдон, Хамза ибн Косим, Яҳё ибн Муборак ал-Язидий, Шужоъ ибн Наср ал-Балхий ва имом Кисоий шулар жумласидандир. Имом Дурий имом Абу Амр ибн Алонинг кироатини Яҳё ибн Муборак ал-Язидий воситаси билан ривоят қилган.

Шогирдлари: Имом Дурийнинг шогирдлари жуда ҳам кўп бўлиб, жумладан, қуйидагиларни зикр қилиш мумкин: Ахмад ибн Харб, Ахмаб ибн Фарах, машхур муфассир Абу Жаъфар, Ахмад ибн Мухаммад ибн Мохон, Ахмад ибн Язид ал-Хулвоний, Ахмад ибн Масъуд ас-Сирож, Исхок ибн Иброхим ал-Аскарый, Мухаммад ибн Убайд ар-Розий, Абу Абдуллох ал-Хаддод, Нух ибн Мансур.

## Имом Сусий

Исм-насаби: Абу Шуайб Солих ибн Зиёд ибн Абдуллох ибн Исмоил ибн Иброхим ас-Сусий.

Имом Сусий етук илм соҳиби, ишончли, Қуръон усозларининг улугларидан эди. Ибн Можа ўз «Сунан»ида Имом Дурийдан хадислар ривоят қилган. Абу Хотим ҳам ундан ривоят келтирган ва: «У ростгўйдир», деган.

Усозлари: Имом Сусий кироатни Абу Мухаммад Яҳё ибн Муборак ал-Язидийдан арз (ўқиб эшиттириш) ва самоъ (тинглаш) йўли билан ривоят қилган. Язидий эса кироатни имом Абу Амр ибн Ало раҳимахуллохдан ривоят қилган. Яъни имом Сусий имом Абу Амрнинг кироатини имом Язидий орқали ривоят қилган.

Шогирдлари: Имом Сусийдан у зотнинг кироатини ривоят қилган кишилар жуда ҳам кўп бўлган. Ўгли Абу Маъсум Мухаммад, Мусо ибн Жарир, Абу Хорис Мухаммад ибн Ахмад, Ахмад ибн Мухаммад ар-Рофикий, Мухаммад ибн Саид ал-Харроний, Алий ибн Мухаммад ас-Саъдий, Мухаммад ибн Исмоил ал-Қураший, адиб Махмуд ибн Мухаммад ал-Антокий, хофиз Ахмад ибн Шуайб ан-Насайи, Хусайн Али ал-Хайёт ана шулар жумласидандир.

Вафоти:

Имом Сусий раҳимахуллох 261/874-875 санада вафот этди. Ёши етмишга, бир ривоятда

эса тўксонга якинлашиб колган эди.

Абу Амрнинг кироатдаги манхажидан намуна:

1. Хар икки сура орасида уч важх жоиз: «басмала», «сакта», «васл». «Анфол» билан «Тавба» орасида ҳам уч важх жоиз: «катъ», «сакта», «васл».
2. Мунфасил мад Дурий ривоятида «каср» ва «тавассут», Сусий ривоятида факат «каср» килинади.
3. Сусий ривоятида  $\text{كاسر}$   $\text{كاسر}$  каби мутамосилайн,  $\text{كاسر}$   $\text{كاسر}$  каби мутакорибайн,  $\text{كاسر}$   $\text{كاسر}$   $\text{كاسر}$  каби мутажонисайнларда махсус шартларга кўра идгом килинади:  $\text{كاسر}$   $\text{كاسر}$ ,  $\text{كاسر}$   $\text{كاسر}$ ,  $\text{كاسر}$   $\text{كاسر}$  .келтирилган мавжуд китобларида кироат Тафсилоти . $\text{كاسر}$
4. Битта калимада келган жуфт хамзанинг орасига алиф киргизиб, иккинчиси тасхил килинади.
5. Иккита калимада келган харакатдош икки хамзанинг биринчиси тушиб колади, хамзаларнинг харакатлари бошка-бошка бўлса, ўзгартирилади. харфига мад хамза калималарда каби  $\text{كاسر}$  , $\text{كاسر}$  , $\text{كاسر}$  .6 алмаштирилади:  $\text{كاسر}$  ,  $\text{كاسر}$  , $\text{كاسر}$  Бунда баъзи мутстаснолар бор.
- ва си«та муаннаслик» ,«дал» калимасидаги  $\text{كاسر}$  ,харфи «зал» калимасидаги  $\text{كاسر}$  .7  $\text{كاسر}$  , $\text{كاسر}$  :килинади идгом харфларга махсус и«лам» калимасининг  $\text{كاسر}$   $\text{كاسر}$  , $\text{كاسر}$  , $\text{كاسر}$
8. Мусхафларда марбута ўрнига марбута ёзилган «та»ларда «ха» билан вакф килинади. Масалан:  $\text{كاسر}$  .
9. «Изофа ёси»дан кейин фатхали ёки касрали катъия хамза келса ёхуд «маърифаломи» ё васлийя хамза келса «йа» фатхали ўкилади:  $\text{كاسر}$  , $\text{كاسر}$  . $\text{كاسر}$   $\text{كاسر}$   $\text{كاسر}$  , $\text{كاسر}$
10. Баъзи «зоида ё»лар васлда ўкилади:  $\text{كاسر}$   $\text{كاسر}$   $\text{كاسر}$   $\text{كاسر}$  . таклил «ё алифийя» калималарда вазнидаги  $\text{كاسر}$  ва  $\text{كاسر}$  , $\text{كاسر}$  .11 килинади. Масалан:  $\text{كاسر}$  ,  $\text{كاسر}$  ,  $\text{كاسر}$  .
12. «Ро»дан кейин келган «алифийя ё» имола килинади:  $\text{كاسر}$  . Сўзнинг охириги харфи бўлган касрали «ро»дан олдинги алиф хам имола килинади:  $\text{كاسر}$  , .килинади имола хам калимаси  $\text{كاسر}$  ,Шунингдек . $\text{كاسر}$